УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ю. Ю. Арипов
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети в.б. профессор

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада умумий ўрта таълим муассасаларида дарсдан ташқари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий тадбирларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: педагогика, таълим, спорт, таълим, мактаб.

КИРИШ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлардан бир этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради.

Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, спорт турлари бўйича истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, моддий-техник базаларни мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, миллат генофондини асраш, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт турида юқори натижа кўрсата оладиган қобилиятли, истеъдодли спортчиларни қидириб топиш, спорт турларини ривожлантириш ҳамда уларнинг оммавийлигини ошириш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва юқори малакали мураббийларни тайёрлаш, спорт иншоотлари қувватидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборатдир.

Шунингдек, таълим муассасаларида барпо этилган барча спорт иншоотлари қувватидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш ва мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун спорт секцияларини ташкил этиш,

ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун таълим муассасалари спорт залларида улар билан ўтказиладиган спорт тадбирлари ва мусобақалар кўламини кенгайтириш қолаверса, оммавий спортни умумхалқ ҳаракатига айлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ҳамда спортга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спортни тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги “ПФ-5368-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги “Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 542-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 118-сонли қарорларида белгиланган мақсад ва вазифалар таълим муассасаларида дарсдан ташқари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий-спорт тадбирларини ривожлантиришга хизмат қилишга қаратилган.

Оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаган:

-мактабгача таълим муассасаларида — бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

-умумтаълим мактабларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўгараклари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўгараклари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

-олий таълим муассасаларида — истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш;

-ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, уларнинг мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

-ўқувчи-ёшлар ўртасида спорт турлари бўйича жамоалар ташкил этиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини хусусан “мактаб лигаси”, “талабалар лигаси”ташкил этиш орқали истъдодли ёш спортчиларни аниқлаш;

-жисмоний тарбия ва спорт жараёнига машғулотлар ўтказиш учун малакали тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, илғор тажрибани жорий қилиш.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 20 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида** вазирликлар, идора ва ташкилотларга Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги муҳим қуйидаги вазифалари белгилаб берилди:

-дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларидаги спорт объектларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этиш, бундан ташқари, жойлардаги бўш турган хусусий объектлар негизида аҳолини оммавий спортга жалб қилиш учун имтиёзли хизмат кўрсатувчи спорт марказларини ташкил этиш.

-туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида спорт мусобақалари сонини кескин кўпайтириш, ғолиб ва совриндорларни Ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан пуллик мукофотлар билан рағбатлантириш.

-аҳоли, айниқса, ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб қилиш учун “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини мусобақа тарзида ўтказиш ҳамда уч даражадаги кўкрак нишонлари билан тақдирлаш.

-корхоналар, таълим муассасалари, истироҳат боғларида оммавий бадантарбия ва гимнастика машғулотларини ўтказиш. Бундай машқларнинг инсон саломатлиги учун фойдалилигини тарғиб қилиш мақсадида доимий кўрсатув ва ижтимоий роликлар тайёрлаб, телевидение орқали намойиш этиш.

-мутасадди раҳбарларга барча спорт федерациялари фаолиятини танқидий ўрганиб, уларнинг ишини, айниқса, селекция йўналишини тубдан яхшилаш, раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш.

- болалар спорти иншоотларини барпо этиш, қурилишда замонавий тежамкор технологиялардан фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу билан бирга, таълим муассасаларида айрим камчиликларнинг мавжудлиги, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда ўқувчи-ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли йўлга қўйишда қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда;

I. Таълим муассасаларида ”Жисмоний тарбия” фани дарсларини ва мазкур фан ўқитувчилари сонини кўпайтириш зарурлиги мавжуд:

- Умумий ўрта таълим мактабларида “Жисмоний тарбия” дарслари ҳафтасига 1 академик соат (45 минут)дан ўтказилмоқда. Юқори синф ўқувчиларини ўғил ва қиз болаларини алоҳида бўлиб ўтиш ҳамда “Жисмоний тарбия” дарсларини ҳафтасига 2 соатдан- 4 соатга ошириш ҳамда дарсдан ташқари спорт тугаракларига маблағ ажратиш;

- Касб-ҳунар таълим муассасаларида ҳам “Жисмоний тарбия ” фани дарслари ҳафтасига 1 босқичида ҳафтасига 1 академик соат (80 минут)дан ўтказилмоқда. 2 босқич талабаларида дарслар қисқариб кетган умуман жисмоний тарбия дарслари ўтказилмайди;

-аксарият ОТМларда ”Жисмоний тарбия” дарслари ўқитишнинг фақат 1 босқичида ҳафтасига 2 академик соат (80 минут)дан ўтказилмоқда. Дарс соатларининг камлиги ҳисобидан фан ўқитувчилари сони қисқариб кетган фақат 2 нафардан жисмоний тарбия фани ўқитувчиси қолган;

- ҳозирги кунда Республикда мавжуд ОТМларда жами 717 нафар “Жисмоний тарбия” фани профессор-ўқитувчилари фаолият олиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, республика бўйича 1 нафар “Жисмоний тарбия” фани ўқитувчисига ўртача 484 нафар талаба тўғри келмоқда;

- ОТМларининг фақат 40 тасида (43,9%) жисмоний тарбия кафедралари мавжуд бўлиб, қолган 51 тасида (56 %) “Жисмоний тарбия” фани ўқитувчилари бошқа гуманитар кафедраларда фаолият кўрсатмоқда. Натижда ОТМнинг барча босқичларда таҳсил олаётган талабаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилиш, спорт турлари бўйича секция ва тўгаракларни ташкил этиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

II. Таълим муассасаларининг спорт иншоотлари сонини ошириш ҳамда мавжудларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозим:

III. Таълим муассасаларидаги (спорт тўгараклари ва секциялари) фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги “Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 542-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ, спорт тўгараклари таълим муассасаларининг “жисмоний тарбия” фани ўқитувчилари томонидан жамоатчилик асосида зарурий спорт клубларини ташкил этиш чораларни кўриш лозим:

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, таълим тизимида ўқувчи-ёшлар спортини янада ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига жавоб берадиган Жисмоний тарбия ва спорт бўлимини ташкил этиш;

2. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида “Жисмоний тарбия” фанини дарс соатларини ошириш ва касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари талабаларни барча босқичларига жорий этиш;

3.Таълим муассасалари спорт клубларини ташкил этиш ва дарсдан ташқари спорт тўгараклари (секция) ҳамда “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларида ўқувчи-ёшларни оммавий равишда иштироқини таъминлаш учун спорт клубларини молиялаштириш тизимини жорий этиш;

4. ОТМларда ташкил этилган спорт клублари фаолиятини самарали юритиш, талабаларни спорт тўгараклари ва секциларига кўпроқ жалб этиш, уларни спорт мусобақаларидаги иштирокини муносиб рағбатлантириш, таълим муассасасида мавжуд спорт иншоотларини сақлаш ва спорт анжомлари билан доимий таъминлаш мақсадида спорт клубларининг молиявий манбаси сифатида

ҳар йили талабалар тўлов контракт пулларидан тушадиган маблағларнинг 10 фоизини йўналтириш;

5.“Ўзбекистон талабалар спорти” ассоциациясининг аниқ молиялаштириш манбалари сифатида ихтиёрий кириш аъзолик бадаллари ҳамда Олий ўқув юртларини моддий-техник базасини ривожлантириш фонди маблағларини белгилашни мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида, хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимкий, таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларни дарсдан кейин бўш вақтларини самарали ташкил этиш бўйича спорт секция ва тўгаракларини самарали ишлаши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда ўқувчи-ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли йўлга қўйиш ҳамда узлуксиз 3 босқичли “Умид ниҳоллари, “Баркамол авлод” ва ”“Универсиада” спорт мусобақаларининг барча босқичларини сифатли ўтишини таъминлаш, оммавий спорт тадбирларини юқори савияда ташкил этишда бугунги кунда таълим муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш орқали эришилади.

Таълим муассасалари қошида спорт клубларини тузиш орқали ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини янада такомиллаштириш, истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича мактаб терма жамоалари заҳирасини шакллантириш, таълим муассасаларининг педагог ва бошқа ишчи ходимларини спортга жалб қилиш, шунингдек спорт клуби фаолиятини самарали йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фаоллаштиришга ҳамда унинг моддий-техник базасини тубдан такомиллаштиришга қаратилади.

REFERENCES

1. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.

2. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.

3. Рустамов, Д. У., & Кенжаева, С. Х. (2021). Значение ролевых игр в формировании коммуникативных компетенций студентов изучающих иностранный язык. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

4. Иброгимова, Н. М., & Абдумаликова, Г. Х. (2021). Организация правильного питания юных спортсменов. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
5. Сафарова, Д. Д., & Бобомуродов, Ф. И. (2019). МОРФО-КИНЕЗИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФАЗ ВЫПОЛНЕНИЯ БРОСКОВ В БОРЬБЕ ПО ВИДУ МИЛЛИЙ КУРАШ. In *Проблемы и перспективы физического воспитания, спортивной тренировки и адаптивной физической культуры* (pp. 122-126).
6. Сейдалиева, Л. Ж., Мусаева, У. А., & Серебряков, В. В. (2020). ФИЗИЧЕСКАЯ РАБОТОСПОСОБНОСТЬ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ФУТБОЛИСТОВ НА РАЗЛИЧНЫХ ЭТАПАХ ГОДИЧНОГО ЦИКЛА. *Интернаука*, (9), 6-7.
7. САФАРОВА, Д. Д., & ЯДГАРОВ, Б. Ж. (2020). Динамика показателей специальной работаспособности спиринтеров на различных этапах общеподготоввительного периода. *Фан-спортга*. 54-56
8. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
9. Юсупова, Р. И., Мусаева, У. А., & Юсупов, Г. А. (2021). Оценка состояния здоровья студенческой молодежи, обучающихся в вузах. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
10. Моргунова, И. И. (2020). Определение спортивной пригодности детей для занятий спортивной. *Фан-Спортга*, 75-78.
11. Xolisov, B. A. (2020). Sovet hokimiyatini o'rnatilishi va boshqaruv siyosati. *Oriental art and culture*, 115-118.
12.Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги "Жисмоний тарбия ва спортни тўғрисида"ги ЎРҚ-394-сонли Қонуни.
13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3031-сонли қарори.
14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги "ПФ-5368-сонли Фармони.
15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги "Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 542-сонли қарори.